

Фойдаланилган адабиётлар

1. Быстрова И.Ю. Биофизические свойства копытцевого рога и формирование копытцев крупного рогатого скота под влиянием генетических и технологических факторов. Автореф. дисс...с-х наук. Рязань, 2008. 26 с.
2. Гимранов В.В. Обоснование и разработка комплексных методов диагностики, лечения и профилактики гнойно-некротических поражений в области пальцев у крупного рогатого скота. Автореф. дисс.-докт.вет.наук, Казань, 2006. 24 с.
3. Идогов В.В. Лечение коров больных гнойным пододерматитом с применением биологических активных сорбентов. Автореф. дисс...канд.вет.наук. Ульяновск, 2011.19 с.
4. Кириллов А.А. Комплексный метод лечения коров, больных гнойным пододерматитом. Автореф. дисс...канд.вет.наук. Санкт Петербург, 2009. 22 с.

УДК: 619:636.3:576.895

ЭЧКИЛАРНИНГ СТРОНГИЛЯТОЗЛАРИНИ ДАВОЛАШДА АЛБЕН ГРАНУЛАСИНИ ҚЎЛЛАШ Тайлаков Т.И., Хушназаров А.

Аннотация. Эчкиларнинг стронгилятоз касалликларини даволашда янги антгельминтикларнинг самарадорлиги ўрганилди.

Калит сузлар: Гельминт, стронгилятоз, гемонхоз, маршаллагия, трихостронгилус, нематодирус, хабертия, Фюллеборн, Дарлинг, альбен - грануласи.

Кириш. Кавшовчи ҳайвонларнинг ҳазм органларида Strongylata кенжа туркумига мансуб тўртта сила вакиллари паразитлик қилиб турли касалликларни содир этади. Бу кенжа туркумга мансуб нематодларнинг паразитлик қилиш жойлари, ривожланиш босқичлари. эпизоотологияси, патогенези ва ушбу қўзғатувчилар томонидан содир этиладиган касалликларни клиник кечиши, ҳамда даволаш ва олдини олиш чора- тадбирларида бир-бирига ўхшашлик мавжуд. Ошқазон-ичак стронгилятоз қўзғатувчиларининг анатоми-морфологияси худди отларнинг ҳазм орган стронгилятоз қўзғатувчиларига ўхшаш бўлиб, Strongylata кенжа туркумининг у ёки бу авлодига қараб танаси узун ёки қиска бўлиши мумкин.

Стронгилята кенжа туркумига қирувчи қўзғатувчиларнинг барчаси геогельминт, ривожланишида оралик ва кўшимча хўжайинлар иштирок этмайди, яъни тўғридан-тўғри ривожланади. Ошқазон-ичак стронгилятозларидан трихостронгилидозлар (гемонхоз, остертагиоз, нематодироз, трихостронгилёз, маршаллагия, коопериоз ва бошқалари) кўпроқ учрайди.

Стронгилятоз касалликлар Республикамизнинг барча минтакаларида кенг тарқалган, кўпроқ ёш моллар орасида йил давомида учрайди. Стронгилятозлар тарқалишининг мавсумийлиги турли зоналарда учраши ва ҳайвонларнинг ёшига боғлиқлиги каби кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга.

Стронгилятоз касалликларининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган гельминтсизлантириш тадбирлари зона шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Тог ва тоғ олди зоналарида ёш моллар икки марта - октябр ва январ ойларида гельминтсизлантирилса, катта ёшдаги эчкилар орасида бу тадбир январ ва июни ойларида ўтказилади. Суториладиган зоналарда ёш моллар январ ойида ёки февралнинг бошларида гельминтсизлантирилиб, қапа ёшдагилари эса куз фаслида - отар яйловдан қайтгандан сўнг гельминтсизлантирилади. Улар орасида (асосан нимжон эчкиларда) иккиламчи танлаб ўтказиладиган гельминтсизлантириш тадбирларини қўзғатиш мавсумидан кейинги даврга режалаштириш лозим. Кейинги йилларда эчкилар орасида стронгилятоз касалликлар сезиларли даражада ўсганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Стронгилятоз касалликлари Республикамизнинг барча минтакаларида кенг тарқалган. кўпроқ ёш улоқлар орасида йил давомида учрайди.

Тадқиқот ҳажмя ваусуллари;

Илмий тадқиқот ишлари Нарпай тумани Нўғай м^ҳалла фуқоралар йигини қудудидаги аҳоли эчкиларида олиб борилди. Тадқиқот ўтказиш учун табиий зарарланган 20 бош эчки ажратиб олинди, аналог қоидаларига асосланиб 10 бошдан 2 гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳ тажриба гуруҳи ҳисобланиб бу эчкиларга Албен грануласи (I гр препаратда 200 мг албендазол мавжуд) антгельминтигидан 10 кг тана оғирлигига 0,25 гр миқдорига оғиз орқали эрталаб оч қоринга ичирилди. Антгельминтик дориси берилгандан сўнг икки соат ўтгач эчкилар озиклантирилди.

Иккинчи гуруҳ эчкилар, назорат гуруҳи ҳисобланиб, ҳеч қандай антгельминтик дори воситалари берилмади. Кунлик рацион асосида озиклантириб борилди. Антгельминтик дори воситалари берилгандан сўнг 24-48 соатларда тажрибадаги хайвонлардан тезак намуналари олинди, гельминта копрология текширув усулларида Фюллеборн ва Дарлинг усулларида текширилди.

Тадқиқот натижалари:

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики тажриба гуруҳидаги эчкилардан тажриба бошида тезак намуналари олинди, гельминтокопрологик текширув усуллари ёрдамида инвазия интенсивлиги аниқланганда маршаллагия авлоди вакиллари 32,6 нусхани, гемонхус авлоди вакиллари 30,8 нусха, трихостронгилус авлоди вакиллари 32,4 нусха, нематодирус авлоди вакиллари 31,9 нусха, хабертия авлоди вакиллари 26,6 нусхани ташкил этган бўлса албен грануласи берилгандан сўнг 24 соат ўтгач маршаллагия авлоди вакиллари 11,3 нусхани, гемонхус авлоди вакиллари 9,6 нусха, нематодирус авлоди вакиллари 10,4 нусха, хабертия авлоди вакиллари 8,6 нусхани ташкил этди. 48 соат ўтгандан сўнг текшириш натижаларида маршаллагия, гемонхус, трихостронгилус, нематодирус ва хабертия тухумлари топилмади.

Назорат гуруҳидаги текшириш натижалари шуни курсатдики инвазия интенсивлиги ўзгаришсиз қолганлигини гувоҳи бўлди.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки Албен грануласи стронгилятозларни даволашда 100% самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иргашев И.Х. Гельминтозы мелкого рогатого скота в условиях Узбекистана. //Автореф.док.дисс... М. 1963. -24 с.

2. Тайлоков Т.И. Стронгилятозларга қарши курашиш усуллари таком иллаштириш. // Автореф.канд.дисс.,Самарканд, 1998. -21с.

3. Иргашев И. Х. Тайлоков Т.И. Антгельминтикли минерал тузли яламани қўллаш. Проблемы биологии и медицины. Самарканд 1998.№3. с. 108-111.

4. Тайлоков Т.И. Чорвачиликда антгельминтикли минерал тузли яламани қўллаш. Сборник науч. Трудов молодых ученых и специалистов СамСХИ. Самарканд. 1998.с. 58-бет

UDK: 614.449.932

KEMIRUVCHILARGA QARSHI KURASH CHORA-TADBIRLARI

D.Saydaliev dotsent, B.B.Yorbekov talaba.

Annotatsiya: Ko'pchilik chorvachilik binolarida yetarlicha ozuqa bazasi, talab darajasidagi mikroklimat binolarga kirish osonligi sichqonlmon kemiruvchilar in qurishi va ko'payishi iichun qulay sharoit nug'dihfli. Ozuqa yetarli bo'lsa kemiruvchilar Juda tez ko'payadi, sababi kalamushlar 3-4 oylikda, sichqonlar esa 1-2 oylikda jinsiy yetiladi. Bo'g'ozlik davri kulrang kalamushlarda 21-25 kun boTib, bir yilda 4-8 marta nasi qoldiradi va har safar 6-12 boshgacha bola tug'iladi. Sichqonlarda bo'g'ozlik davri 18-20 kun va har safar 8\l 0 tagacha bolalaydi.